O'ZBEKISTON
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 17-IYUN ■ SESHANBA ■ 72 (27.092) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

МУСТАҚИЛЛИК ИНШООТЛАРИ

ТЎЛҚИНЛАР УСТИДА ПЎЛАТ ИЗЛАР...

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти оралиғидаги Амударё устида бунёд этилаётган темир — авто йўлга мослашган кўприк қурилиши жадал бормоқда

Бу йил Амударё ўзлигига қайтди — тўлиб-тошиб оқмоқда. Шамолли, серёмғир келган баҳор ойларида дарё янада асовланди. Ҳайбатли-ҳайбатли тўлқинлар бетиним қирғоқларга урилди, сув қорамтир кўринди. Чингизқир тепаликлари — тошлоқ қирғоқ бу тўлқинларга дош берди, асрларки дош бериб келган. Аммо янгидан пайдо бўлган «учинчи қирғоқ»қа осон эмас.

«Учинчи қирғоқ» деяётганимиз — дарёнинг айнан шу ерида қурилаётган кўприк. Асов тўлқинлар янгидан ташланган тупроқни юва борди — ўпирилиб-ўпирилиб йиқилаётган қирғоқ бу ерда ишлаётган қурувчиларнинг баъзида шундоқ ёнига қадар келди. Аммо иш бир лаҳза бўлсада тўхтамади. Қурувчиларнинг мақсади ҳам, шиори ҳам битта — мустақилликнинг ўн икки йиллиги тўйигача кўприкни ишга тушириш.

Ҳақиқатни айтадиган бўлсак, шўро замонларида Аму узра кўприк қурилмади ҳисоби. Қуйи Амударё минтақасидаги Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятини кўпинча кемалар ва понтон типидаги кўчма кўприклар боғлаб келди, бу эса ўзаро борди-келдида қийинчиликлар туғдирди. Сув тошган ойлари ёки сув музлаган қиш чилласида қатнов тўхтаб қоларди.

Ҳалику, биз машиналар қатнови ҳақида гапираяпмиз. Аму узра поезд қатнайдиган кўприк республикамиз ҳудудида шу тахлит илк бор қурилаяпти. Салкам бир километр узунликдаги бу кўприк қурилишига атиги икки йил муқаддам киришилди.

«Ўзбекистон темир йўллари» компанияси буюртмасига кўра улкан кўприкни «Кўприккурилиш» трестининг 13, 14, 67 ва 68-қурилиш қисмлари бунёд этишмоқда. Умумиш ҳажми 50 миллиард сўмдан ошади. Ҳозир бу ерда уч юз эллик нафардан зиёд қурувчилар элликдан ортиқ турли маркадаги техника икки сменада ишламоқда.

— Ҳар ойда салкам ўн беш миллион сўмлик ҳажмдаги иш бажараман, — дейди «КАТО» русумли улкан кран ҳайдовчиси Турсунбой Бердимуродов. — Асосан кўприк учун ишлатилаётган узунлиги 16,5 метр, оғирлиги эллик тонналик балкаларни ўрнатиш бизнинг зиммамизда. Иш шароити яхши, уч маҳал иссиқ овқат ташкил қилинган. Ётоқхонамиз ҳам шу ерда. Маошимиз юз минг сўмга бораяпти...

— Трестимиз юртимизнинг қайси бурчагидан иш олса, шу ерда бориб ишлайверамиз, — дейди Ҳуррам МУСУЛМОНОВ, 67-қурилиш қисми иш юритувчиси. — Кўплаб йирик қурилишларда қатнащдик. Аммо дарёга улкан кўприк солишда биринчи бор иштирок этяпмиз. Бу шарафли ва тарихий вазифа...

Кўприк ва унга ёндош чап қирғоқ канали устида тикланаётган яна бир кўприк қурилишида ишлаётган Дмитрий Дорла, Мунир Гулимжонов, Рустам Матчонов, Худойқул Олимов каби монтажчиларнинг ҳам сўзи ва нияти бир: топширилган вазифани вақтида, сифатли адо этиш!

Ишнинг энг қийин нуқтаси — дарё ўзанига кўприк учун махсус тўсинлар ўрнатиш. Тўсинлар дарё суви сатҳидан 34 метр чуқурликка қоқилади. Сўнгра темир-бетон билан мустаҳкамланади.

Кўприк қурилишининг иқтисодий аҳамиятига келсак, илгарилари Хоразм вилоятидан республикамизнинг бошқа ҳудудларига олиб бориладиган йўл қўшни давлат ҳудудидан ўтар ва бу эса маълум қийинчиликлар туғдирарди. Амударёга солинаётган темир-авто йўлга мослашган кўприк ишга тушиши билан илгари мавжуд бўлган барча муаммолар ўз ечимини топади: темир йўлнинг «Исмоил эшон» резъездининг ўнг томонидаги қирғоқ — Мискин станциясигача пўлат излар тортилади ва Хоразмга узлуксиз темир йўл транспорти ҳаракати амалга ошади.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: (чапдан) қурувчилар Рашид Байрамқиличев, Илҳом Ўразов, Эркин Оразметов ва Унгер Жамшитовлар; кўприкнинг ички кўриниши ва қурилиш ишлари акс этган.

Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ олган суратлар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИ

2003/2004 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, олий таълим муассасаларига иқтидорли ва қобилиятли ёшларни танлаб олиш, республикамиз иқтисодиёти ва ижтимоий соҳалари учун замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали мутахассислар тайёрлашни ташкил этиш ҳамда умумий ўрта таълим ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини олий маълумотли педагог кадрлар билан таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. 2003/2004 ўқув йилида:

бакалаврлар тайёрлаш бўйича умумий қабул сони 51100, шу жумладан 19900 давлат грантлари ва 31200 тўлов-контракт асосида белгиланиб, улар олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари бўйича тақсимлансин;

магистрлар тайёрлаш бўйича умумий қабул сони 5400, шу жумладан 1400 давлат грантлари ва 4000 тўлов-контракт асосида белгиланиб, улар олий таълим муассасалари ва мутахассисликлар бўйича тақсимлансин.

2. 2003/2004 ўқув йилида олий таълим муассасалари ҳузуридаги махсус сиртқи бўлимларга ўрта махсус маълумотга ва тегишли таълим тури бўйича камида уч йил амалий иш стажига эга бўлган педагог кадрлардан, шунингдек болалар спорти мураббийларидан бакалаврлар тайёрлаш учун умумий қабул сони 5000, шу жумладан 1200 давлат грантлари ва 3800 тўлов-контракт асосида белгиланиб, улар олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари бўйича тақсимлансин.

3. Қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳамда Оролбўйи минтақаси учун малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Қорақалпоқ давлат университетининг аграр факультети негизида Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиалини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бир ой муддатда тегишли бино ва иншоотларни, асосий фондларни ва молиявий маблағларни белгиланган тартибда Қорақалпоқ давлат университетининг аграр факультети балансидан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиали балансига ўтказсин, шунингдек ўтказиладиган талабалар контингентини, профессор-ўқитувчилар, маъмурий-бошқарув ва хўжалик ходимлари таркибини аниқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги:

икки ҳафта муддатда Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиали тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин ҳамда Тошкент давлат аграр университети Низомига тегишли ўзгартиришлар киритсин;

Давлат тест маркази билан биргаликда 2003/2004 ўқув йилида Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиалига қабул бўйича тест синовларини юқори савияда ўтказиш юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга оширсин.

5. 2003/2004 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг таркиби тасдиқлансин.

6. Олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар Давлат тест маркази билан биргаликда бир ҳафта муддатда ўзларига қарашли таълим муассасаларида давлат грантлари ва тўлов-контракт асосида бакалавриат ва магистратурага қабул бўйича ўринлар квотасини таълим шакллари ва тиллари бўйича тақсимлаш тўғрисидаги таклифларини Давлат комиссиясига тасдиқлаш учун киритсинлар.

7. Давлат комиссиясига Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда олий таълим муассасалари бакалавриати ва магистратурасига қабул қилиш тест синовлари натижаларидан келиб чиққан ҳолда мазкур қарорда белгиланган умумий қабул квоталари доирасида қабул кўрсаткичларига зарур ўзгартиришлар киритишга рухсат берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2003/2004 ўқув йилида давлат грантлари асосида бакалавриат ва магистратурага ҳамда махсус сиртқи бўлимларга белгиланган қабул квоталарини ҳисобга олган ҳолда бюджетдан зарур маблағлар ажратилишини таъминласин, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг бюджет параметрларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 1995 йил 3 июндаги 211-сон қарори 1-бандининг Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиалини Қорақалпоқ давлат университетининг аграр факультетига айлантириш тўғрисидаги қисми ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.С.Кароматов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 14 июнь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЭРОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Эрон Ислом Республикаси Президенти Саййид Муҳаммад Ҳотамий таклифига биноан 2003 йил 17-18 июнь кунлари расмий ташриф билан Эронда бўлади.

Ташриф чоғида ўзаро муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари, томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар, минтақада халқаро транспорт коммуникацияларини ривожлантириш масалалари муҳокама этилиши ҳамда қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

Зарур чора-тадбирлар белгиланди

15 июнь куни Қашқадарё вилоятининг Китоб туманидаги баландтоғли Кавзахона қишлоғи аҳолисини шу туманда янги барпо этилган Йўлдош посёлкасига ташиш чоғида йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлди. Одамлар орасида қурбон бўлганлар бор.

Бу ишлар фуқароларни бориш қийин бўлган тоғли жойлардан вилоятнинг бирмунча қулай ва текис туманларига кўчириш, улар учун зарур ижтимоий ва маиший шарт-шароит яратиш мақсадида амалга оширилаётган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мазкур йўл-транспорт ҳодисаси муносабати билан қабул қилган Фармойишда ҳалок бўлган ва жабрланганларнинг оилаларига зудлик билан зарур ёрдам кўрсатиш кўзда тутилган. Вазирлар Маҳкамасига (Ў.Т. Султонов) бу мақсадлар учун керакли маблағ ажратиш вазифаси топширилди.

Одамларнинг қурбон бўлишига олиб келган ушбу йўл-транспорт ҳодисаси бўйича республика Бош прокуратураси томонидан жиноят иши қўзғатилди. Бош прокурорнинг ўринбосари Х.Х. Неъматов раҳбарлигида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Ички ишлар вазирлиги ходимларидан иборат терговтезкор гуруҳи тузилди.

Ички ишлар вазири З. Алматовга, Қашқадарё вилояти ҳокими Н. Зайниевга содир бўлган ҳодиса юзасидан чуқур текширув ўтказиш, мазкур йўл-транспорт ҳодисасини келтириб чиқарган сабабларни бартараф этиш бўйича барча зарур чора-тадбирларни кўриш вазифаси топширилди.

КАРВОН

Дунёда тугамас экан армонлар,
Ўтди қанча замон, қанча сарбонлар.
Ўтираберибман буюкман дея,
Манзилга етибди бошқа карвонлар.

Абдулла ОРИПОВ,
2003 йил 13 июнь
Токио шаҳри (телефон орқали)

BANK XALQ BANKI
ХАЛҚ БАНКИ —
СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

Москвада «Шарқ гулшани» кўргазмаси

Россия Рассомлар марказий уйида Ўзбекистон халқ рассоми Леким Ибрагимов асарлари кўргазмаси очилди.

«Шарқ гулшани» деб ном олган ушбу кўргазмада ўзбекистонлик мўйқалам устасининг элликка яқин асари намойиш этилди.

Ўзбекистон Бадиий Академиясининг академиги Леким Ибрагимов ўзининг нозик ва поэтикага бой асарлари билан танқидчилари ва рассомлик санъати ихлосмандлари эътиборини қозонган. Рассомнинг Марказий Осиё халқлари қадимий маданияти билан йўғирилган ижоди ғарб рассомлари санъати анъаналари билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун ҳам унинг асарлари Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам ўз ихлосмандларини топа олган. Сўнгги йилларда рассомнинг шахсий кўргазмалари АҚШ, Франция, Япония, Германия, Ҳиндистон ва Марокашда ўтказилди.

О.ШАТУНОВСКИЙ,
«Жаҳон» АА,
Москва.

«Эрон биринчи вице президенти Муҳаммад Ризо Ариф Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Эронга режалаштирилган ташрифи икки томонлама алоқалар кенгайишида яна бир туртки бўлишига ишонч билдирди...».

Икки томонлама муносабатлар ривожида янги саҳифа

«Эрон Ислом Республикаси савдо вазири Муҳаммад Шариатмодари Эрон фирма ва компаниялари Ўзбекистон билан иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга қизиқиш билдираётганини қайд этди ва уларнинг Ўзбекистон томони билан савдо амалиётларни кўпайтиришга тайёрлигини билдирди...»

Ушбу сатрлар давлатимиз раҳбарининг Техронга бўлажак расмий ташрифи арафасида Эрон вақтли матбуотида нашр этилган мақола ва ахборотлардан иқтибос этилган бир қисмидир, холос.

Ўзбекистон Республикаси ва Эрон Ислом Республикаси ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатлари қатор тарихий омиллар билан белгиланади.

Халқимизнинг буюк намояндалари бўлмиш — олим ва мутафаккирлар бир бирларини ўзаро бойитиш орқали бутун башарият мулки бўлиб қолган бебаҳо маданий ва илмий меросни вужудга келтиришган. Мавриди келганда эслатиш жоизки, бутун оламга донғи кетган аждодларимиз ўзларининг асарларини форс ва мумтоз ўзбек тилида бирдай иқтидорлик билан ижод этишган.

Ўзбек ўқувчисига Умар Хайём, Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Хисрав Деҳлавий каби буюк форсийзабон шоирлар ва дунё маданият дурдоналари сарасидан муносиб жой олган ажойиб асарларнинг бошқа ижодкорлари тузилган Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Эрон ҳукуматлараро комиссияси фаолият кўрсатмоқда. Унинг сўнгги бешинчи мажлиси жорий йилнинг 19-21 майида Тошкентда бўлди. Ушбу йиғилиш сармояларни жойлаштириш борасида ҳамкорликни ривожлантириш, мамлакатларимиз ўртасида савдо айирбошлашни кўпайтириш, транспорт воситалари билан юк ташиш, коммуникация, банк ва молия хизматлари соҳасида ўзаро алоқаларни кенгайтиришга қўшимча туртки берди. Бу эса икки давлат савдо-иқтисодий муносабатларининг ҳозирги савияси уларнинг ҳақиқий имкониятларига жавоб бермаслиги ва ушбу ҳамкорликни янада кенгайтириш учун етарли заҳиралар мавжудлигини икки томон зътироф этаётган бир пайтда алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳозирда Тошкент ва Теҳрон муносабатларининг шартномавий-ҳуқуқий асосини 40 га яқин ҳужжат ташкил этади.

Айни пайтда Ўзбекистонда Эрон сармоялари иштирокида 40та корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 29 таси қўшмадир.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ҳам, Эрон ҳам ўзаро манфаатли ҳамкорликка интилади. Минтақада транспорт инфратузилмасини ривожлантириш катта аҳамият касб этмоқда. Мавжуд потенциал икки томонлама ва кўптомонлама кенг ҳамкорликни йўлга қўйишга имконият яратади.

Мамлакатимиз жаҳон бозорларига ўз юкларини етказишда Эрон коммуникациялари ва денгиз бандаргоҳларидан фойдаланиш, савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, икки давлат ва минтақа миқёсида халқаро терроризм, гиёҳванд моддалар савдоси, уюшган жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорликни фаоллаштиришдан манфаатдордир. Бу йўналишда халқаро ташкилотлар доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликка ҳам муҳим аҳамият қаратилади.

Шак-шубҳасиз, катта умидлар боғланаётган бўлажак ташриф мамлакатларимиз ўртасида икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда янги саҳифа очади.

Бахтиёр ИРИСОВ,
«Жаҳон»АА
шарҳловчиси

BUSINESS BANK
БИЗНЕС БАНК
ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

Фермер хўжаликларини ривожлантириш — давр талаби

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 22 январдаги қарорига мувофиқ 177 қишлоқ хўжалиги корхонасини фермер хўжалигига айлантириш борасидаги ишларнинг аҳволига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда алоқадор вазирлик, қўмита, компания, уюшма ва муассасалар раҳбарлари, вилоятлар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари, айрим туман ҳокимлари, йирик ширкат ва фермер хўжаликлари бошлиқлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарган йиғилишда мамлакатимиз аграр соҳасида хўжалик юритишнинг қулай шакли — фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётгани, фермер хўжаликларининг аксарияти иқтисодиётимиз юксалишига катта улуш қўшаётгани таъкидланди. Косон, Нишон, Зомин, Ш.Рашидов, Ёзёвон каби туманлардаги хўжаликлар ҳозирдаёқ тўлиқ деҳқон ва фермер хўжаликларига айлантирилди.

Йиғилишда ҳукумат қарори ижросини таъминлаш борасида талайгина ишлар амалга оширилаётгани қайд этилиши билан бирга, мутасаддди идоралар раҳбарлари, айрим туман ҳокимлари, мутахассислар зарар кўриб ишлаётган, рентабеллиги паст хўжаликларни фермер хўжаликларига айлантириш масаласида сусткашликка, масъулиятсизликка йўл қўяётганига жиддий эътибор қаратилди.

Бу борадаги ишларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш бўйича тузилган ҳудудий комиссиялар ўз вазифасига жиддий қарамаётгани туфайли аксарият ишлар ўлда-жўлда қолмоқда. Жумладан, Оқ олтин туманидаги Сиддиқов номидаги ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш комиссияси мавжуд 47 объектдан 16 тасинигина баҳолаган. Уларнинг ҳозиргача биттаси сотилган бўлса-да, пули ҳанузгача келиб тушмаган.

Айни вақтда барча жойда ҳам фермерлик ҳаракатини ривожлантиришнинг аҳамиятини кенг тушунтириш ишлари тўғри ташкил этилган, деб бўлмайди. Ерларни тендерга қўйиш борасида ҳам камчиликлар мавжуд. Шунингдек, фермер хўжаликларининг ҳисоб рақамини очиш, бунинг учун минибанклар ташкил этишга эътиборни кучайтириш зарур.

Фермер хўжаликлари мамлакатимиз аграр тармоғининг эртаси, истиқболи ҳисобланади. Шундай экан, бундай хўжаликларни ривожлантириш учун барча имкониятларни ишга солиш, уларнинг ишига давлат назорати органларининг, хусусан, ҳокимият раҳбарларининг ноқонуний аралашувига йўл қўймаслик зарур.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосари Р.Азимов, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири А.Жўраев иштирок этди.

Олим НОРБЕКОВ,
ЎзА мухбири

ОБОД МАҲАЛЛА — МАМЛАКАТ КЎРКИ

Озодалик — ободлик

Овулинг обод бўлса — кўксинг ҳам обод.
Халқ мақоли.

2003 йилнинг мамлакатимизда «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши — маҳалланинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришининг муҳим органи сифатида жамиятда тутган ўрни ва ролини ошириб юборди. Айниқса, Президентимизнинг **«Обод маҳалла йили» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича республика комиссиясини тузиш тўғрисида»ги (2002 йил, 16 декабрь)** Фармони йилнинг аҳамиятига, эътиборига янги моҳият, янги қанот бағишлади. Ишлаб чиқилган дастурга кўра сиёсий-ҳуқуқий, ташкилий, ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирлар кўрилди.

Белгиланган тадбирлар ижроси йўлида амалга оширилаётган ишларда республикамиз давлат санитария-эпидемиология назорат хизмати тизимидаги вилоят, шаҳар ва туман марказлари жамоалари ҳам фаол қатнашмоқда. Эл-юрт соғлигини сақлашдек олижаноб мақсад йўлида аҳоли манзилгоҳлари, жамоат жойлари, бозорлар, ошхоналар, дўконлар, озиқ-овқат ишлаб чиқариш корхоналарида санитария-гигиена қоидаларига қатъий амал қилинишини доимий назорат остига олиш билан бирга, аҳоли ўртасида тез-тез тушунтириш ишлари ҳам олиб бориляпти.

Иномжон Мавлонов, — Қибрай тумани ДСЭНМ бош шифокори:

— Фармон матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб, туманимиз ҳокимлиги ташаббуси билан мавжуд 12 та қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудларининг ҳар бирига ДСЭНМ — давлат санитария-эпидемиология назорат маркази ходимлари беркитилди. Улар ўз фаолиятларини икки босқичли дастур асосида ташкил этиб, ҳар ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари белгиланган ҳудудларда мунтазам бўлиб турдилар. Ишни бундай ташкил этилишига давлатимиз раҳбарининг юқорида қайд этилган Фармонидан ташқари **«2003 йил — «Обод маҳалла йили» деб эълон қилинганлиги ҳамда республикада санитария-эпидемиологик вазиятни янада яхшилаш, аҳоли яшаш жойларини ободонлаштиришга доир кўкламги ишларни ташкил этиш ва «Наврўз» умумхалқ байрамини нишонлашга тайёргарлик кўриш мақсадида»** қабул қилинган (2003 йил, 25 февраль) фармойиши ҳам кучли таъсир кўрсатди.

Биринчи босқичда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги тадбирларида фаол иштирок этиш режаларини белгиладик. Маҳаллалар ҳудудларида 13742 туб мевали-манзарали дарахт кўчатлари ўтқаздик. Уй-жойлар атрофи, йўлаклар, ариқлар, лотоклар ёқаларида янги-янги кўкаламзорлар ташкил этишда ўз ҳиссамизни қўшдик.

Иккинчи босқичда — кунлар исиб бориши муносабати билан савдо, умумий овқатланиш объектларида, мактабгача ёшдаги болалар муассасалари ва мактабларда, жамоат транспортида, бозор ҳамда бозорчаларда, ичимлик суви таъминоти манбаларида санитария нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устида қатъий назорат олиб бордик. Шунингдек, саноат ва хусусий тадбиркорлик билан фаолият юритаётган корхоналарда, даволаш-профилактика муассасаларида, коллеж ва лицейларда озодалик-саломатлик гарови эканлиги тўғрисида тушунтириш ишлари ўтказдик.

Канализация қудуқлари, ахлатларни тўплаш ва ташиб кетиш майдончалари, болаларнинг ўйингоҳлари тартибга келтирилди. Қўшни Қозоғистон Республикаси билан чегара ҳудудлардаги божхона масканларида ДСЭНМ пунктлари ташкил этилди. Уларда республикамизга кириб келаётган фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказиш ишларини ҳам йўлга қўйганмиз.

Мақсадимиз — эл-юрт соғ бўлиб, мамлакатимиз кўрки — маҳаллаларимиз янада обод бўлиб боришини таъминлашдек хайрли ишлардан ҳеч қачон четда қолмаслик...

Чирчиқ шаҳар ДСЭНМ бош шифокори Сайдулла Ҳайдаров сўзидан:

— Кишиларнинг тарихан шаклланган, оиладан кейинги бирлиги — бу маҳалла. Уни йирик бир оила десак ҳам бўлади. Шу маънода, 2003 йил «Обод маҳалла йили» деб эълон қилинган фармон, фармойиш ва қарорлар, ишлаб чиқилган дастур ҳамда белгиланган тадбирлар ҳаммаси — маҳаллалар ҳаётимизда нечоғли аҳамият касб этишини кўрсатиб турибди. Шу боиски, Чирчиқдек саноатлашган сер аҳоли шаҳарнинг маҳаллалари ҳудудларида санитария ҳолатини янада яхшилаш ва тозалик ҳамда ободонлаштириш ишларини доимий назорат қилиб бориш — шаҳар ДСЭНМ ходимларининг диққат марказида турибди.

Белгиланган барча тадбирлар ижросига шаҳар ҳокимлиги кўмаги билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, уй-жой мулкдорлари ширкатларини, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни, ўқув юртларини, шунингдек, шаҳримизнинг барча аҳолисини кенг жалб қилганмиз. Кўп қаватли ва хусусий уйлар атрофидаги ахлатларни, турар жой мавзеларига яқин бўлган турли даражадаги корхоналар ҳамда қурилиш иншоотларининг, шунингдек, маиший объектларнинг чиқиндиларини ташкилий равишда тўплаш ва ташиб кетиш ишларини намунали йўлга қўйдик.

Шу кунларда шаҳарнинг 17,21,22,31,26,38-маҳаллалар кўмиталари ва ширкатлар билан ҳамкорликда ахлатларни махсус ажратилган Майдонтол ҳудудига олиб чиқиб кетиш тадбирларини кўраяпмиз. Ҳамма канализация қудуқлари ва тармоқларида, деҳқон бозори ҳамда унинг филиалларида санитария-гигиена назорат постлари ўрнатганмиз. Сўнгги ўн кунлик текшириш давомида 3000 погон метр ариқ ва ирригация лотоклари тартибга келтирилди. 497 тонна чиқинди мавжуд 7 та автотранспорт воситалари ёрдамида шаҳардан олиб чиқилди. «Саломатлик маркази», ва «Экосан» жамғармаси ходимлари билан ҳамкорликда саломатлик кунлари ҳамда ҳафталиклари ўтказиб турибмиз. «Обод маҳалла йили» дастури асосида аҳолининг санитария-гигиена савиясини ошириш йўлида тарғиботташвиқот ишлари ташкил этганмиз. «Саломатлик маркази»нинг «Обод маҳалла» мавзуида тайёрлаган эслатма варақалари ҳар бир хонадонга етказиб берилди...

ХДП ХАБАРИ

Котибият мажлиси

2003 йилнинг 16 июнь куни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибияти мажлиси бўлиб ўтди. Уни МК биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов олиб борди.

Мажлисда Ўзбекистон ХДП Навоий вилоят кенгаши фаолияти таъсирчанлигини ошириш, ундаги ички партиявий ишларни олиб бориш самарадорлигини кучайтириш масаласи муҳокама қилинди. Навоий вилоят партия кенгаши биринчи котиби Рустам Ботиров шу ҳақда ахборот берди. Муҳокама жараёнида вилоят партия кенгаши фаолиятининг кўриб чиқилган йўналишларида муайян камчилик ва нуқсонлар борлиги кўрсатиб ўтилди.

Айниқса, партия вилоят, шаҳар, туман кенгашлари ва бошланғич ташкилотларининг кучғайратини ХДПнинг жамият ҳаётидаги нуфузини мустаҳкамлаш, унинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлардаги фаол иштирокини таъминлаш, ички имкониятлардан мақсадли фойдаланиш лозимлиги уқтириб ўтилди.

Котибиятнинг кўрилган масала бўйича қабул қилган қарорида мавжуд камчиликларни тезда тугатишга қаратилган тавсиялар берилди.

ЎзХДП МК матбуот хизмати

Қашқадарё — маррада

Қашқадарё пиллакорлари 1800,7 тонна пилла етиштириб, шартнома мажбуриятини адо этишди. Қарши, Касби, Косон, Ғузор, Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ, Қамаши, Чироқчи туманлари заршунослари эришилган ютуққа катта ҳисса қўшдилар.

Вилоятнинг М.Эшмонова, Э.Аҳматов, М.Ражабова, Ш.Янгибоева, Б.Қўлдашева, Л.Хўжаева, Н.Муҳаммадиев сингари тажрибали пиллакорлари ҳар қути қурт уруғдан 60-70 килограммдан ҳосил олиб пешқадамлик қилдилар.

Юнус УЗОҚОВ

«Раҳнамо» масъулияти чекланган жамияти маркетинг тадқиқотлари бўйича Европа маркази ва халқаро ишбилармонлар тармоғининг махсус совринига сазовор бўлди. Нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан таъсис этилган ушбу мукофот одатда ички ва ташқи бозорда самарали маркетинг тадқиқотларини олиб борган ҳамда юксак натижаларга эришган фирма ва компанияларга берилади. Масалан, бизда кейинги йилларда

«Раҳнамо» — халқаро соврин соҳиби

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАК, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва Навоий кон-металлургия комбинати каби йирик жамоалар шундай мукофотга сазовор бўлишган.

— Компаниямизнинг ҳам ушбу соврин соҳиби бўлгани, — дейди жамиятнинг маркетинг бўлими бошлиғи Эркин Носиров, — мамлакатимизнинг саноат ишлаб чиқаришида эришаётган ютуқлари жаҳон миқёсида эътироф этилаётганидан яна бир нишона...

1994 йил иш бошлаган «Раҳнамо» МЧЖ мунтазам маркетинг тадқиқотлари йўналишида экспорт-импорт операцияларини муваффақиятли олиб бормоқда. Айниқса, тадбиркорларимизга божхона баённомаларини расмийлаштиришда яқиндан ёрдам бериб, реклама хизмати даражасини ошириш йўлида қатор янгиликларга қўл урмоқда. Халқимизни жаҳондаги йирик ишлаб чиқариш компаниялари маҳсулотлари билан таништирмоқда. Кейинги йилларда жамият ўз тасарруфидаги корхоналарда жаҳон андозаларига мос экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Робия ХУДОЙБЕРДИЕВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 17 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	649,40	1 Польша злотийси	259,94
1 Англия фунт стерлинги	1627,53	1 СДР	1383,34
1 Дания кронаси	155,77	1000 Туркия лираси	0,69
1 БАА дирхами	265,05	1 Швейцария франки	748,93
1 АҚШ доллари	973,46	1 ЕВРО	1155,79
1 Миср фунти	163,06	10 Жанубий Корея вони	8,18
1 Исландия кронаси	13,30	10 Япония иенаси	82,76
1 Канада доллари	728,64	1 Россия рубли	31,90
1 Хитой юани	117,61	1 Украина гривнаси	182,54
1 Малайзия рингги	256,21		

*** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.***

ЎЗБЕКИСТОН — ЯПОНИЯ

Абонентлар мамнун



Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманида Япония билан ҳамкорликда ишга туширилган 10000 рақамли шаҳарлараро телекоммуникация боғламаси фаолиятига эндигина беш йил бўлаяпти. Ҳозир тармоққа Токио шаҳридаги Халқаро ўқув марказида малака ошириб қайтган Эркабой Каримов бош-қош.

— Жамиятимизда ўз ишини пухта билган малакали алоқачи инженерларимиз меҳнати билан, — дейди шаҳарлараро алоқа линияси инженери Абдурайим Абдуллаев, — мавжуд рақамли телефонларнинг барчаси бенуқсон ишлаб турибди. Уларга вақти-вақтида кўрсатилаётган техникавий-профилактика хизмати даражасидан абонентларимиз мамнун. Масалан, жорий йилда ишимиз сифатига ҳали бирорта ҳам эътироз олганимиз йўқ.

Суратларда: шаҳарлараро алоқа линияси инженери А.Абдуллаев ва телекоммуникация боғламасининг етакчи муҳандиси Э.Каримов.

Рўзимат ЎТАМУРОДОВ олган суратлар.

МУЛОҲАЗА

«Раҳбарлик лавозими имтиёз эмас...»

У ИШОНЧ, СИНОВ ВА МАСЪУЛИЯТ ДЕМАК

ёхуд ўн олти йил бурун ёзилган бир мақола мазмуни асосида туғилган ўйлар

«Нишон туманидаги Усмон Юсупов номли совхоз-техникум директори Ҳайитмурод Фармоновни далада одамлар билан суҳбатлашаётганида учратдик. Ишчилар унинг гапини қизиқиб тинглашарди. Улар директорнинг феълини яхши билишади. Ғайратли, ташаббускор, янгиликка интилувчи, одамларга ғамхўр, камтар, айни пайтда ўта принципиал ва талабчан раҳбар...»

Бу сатрлар менинг раҳматли дадам — (Оллоҳ марҳаматига олган бўлсин!) Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Мусо Каромов қаламига мансуб. Юқоридаги сарлавҳа ва сатрлар билан бошланувчи мақола бундан 16 йил илгари (1987 йил, 24 май) газетамиз саҳифасида чоп этилган.

Эслаб қолганим боиси — яқинда Нишонда бўлганимда Ҳайитмурод акани йўқладим. Кўпни кўрган оқсоқол билан суҳбатлашсангиз қулфи дилингиз ҳам очилади. Деҳқончиликнинг миридан-сиригача сув қилиб ичган бу одамнинг кўрган-билганлари, жамики тажрибаси ҳозир ҳам туман қишлоқ хўжалигида жуда-жуда асқотаяпти.

Оқсоқол қатор хўжаликларни оёққа турғазган, аниқроқ айтганда, оддий бригадирликдан тортиб то туман раҳбари — «биринчи»ликкача бўлган йўлни босиб ўтган, ҳозир эса 70 ёшни қоралаган бўлса-да, туман деҳқон-фермер хўжаликлари вакиллиги директори лавозимида ишлаётган серғайрат инсон.

— Ерни асл деҳқонга берилганлиги жуда яхши бўлди, — ҳикоя қилади у. — Бир вақтлар умрида пахта экмаган «марказ»лик казо-казо одамлар келишиб, экиш-текишдан «сабоқ» бериб кетишарди... Охир-оқибати нима бўлди? Энди эса давр бошқа. Мустақиллик деҳқонга эркинлик берди... Тўғрисиям шу-да ўзи... Нима қилмоқ кераклигини деҳқон ўзи биладди. Фақат мавсумда унга керакли уруғ, сув, ўғитни вақтида бериб турса бас. Илгаригидек, маҳаллий раҳбарлар етарли шарт-шароитни яратиб бермай туриб, натижа талаб қилишмаса бўлгани...

Яна бояги — ўн олти йил олдин ёзилган мақоладан парча келтираман:

«Баъзилар Ҳайитмурод Фармоновнинг чўрткесарлигини ёқтиришмайди. Аслида бунда ҳеч қандай ёмонликнинг ўзи йўқ. У кишиларга айбини ошкора айтади. Фармонов идорада ўтириб раҳбарлик қилишни, қоғозбозликни хуш кўрмайди, текинхўрларга доим муросасиз бўлади. Хўш, бунинг нимаси ёмон?».

Бир неча йил илгари тўғрисўзлиги боис, маҳаллий «катта»лар билан «келишолмай юрганини» эшитгандим. Фикрлари салмоқли, кесиб-кесиб гапиради. Илмийликдан кўра, кўпроқ амалиётга таянади. Бир қараганда унинг аъмоли ва маслаги замирида гўё «энди, биз деҳқонмиз, бўлганимиз шу», деган таассурот уйғотади кишида. Аммо суҳбатини тинглаб турсангиз фикрингизни дарров қайтиб оласиз.

— Раҳбар аввало одамлар кўнглини олмоғи керак, — давом этади у. — Кейин ўзи ҳам ишига, касби-корига меҳр қўйсин экан...

— Ўғлингиз Зиёдуллани айни шу рухда тарбиялагансиз чоғи, — сўзини бўламан, — адашмасам, у тумандаги Ибн Сино номли ширкат хўжалигида бошқарув раиси... Энг олди хўжаликлардан...

— Ҳа, илғор хўжалик. Режалари вақтида бажарилаяпти. Аммо ҳозир фақат режа бажариш билан мақтаниб бўлмайди. У раҳбар, холос. Ишни эса одамлар қилади. Шунинг учун одамлар кўнглига йўл топиш ва ижтимоий ҳаётда фаол бўлиш, кўпроқ деҳқонларда ўзига нисбатан илиқ муносабатни уйғотиш керак...

— Шу маънода бошқа хўжалик раҳбарлари хусусида нималар дея оласиз?

— Келинг, ука, дадангиз билан бу масалада кўп мулоқот қилганмиз... Энди сизга ҳам бу ёшимда... яхшиси, улар ҳақида бир нарса деб ўтирмай. Аввало, ҳар ким ўзига ўзи ойна тутсин...

«Ширинобод» — тумандаги илғор хўжаликлардан бири. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш борасидаги ютуқлари яхши. Лекин шу билан ҳамма иш «олам гулистон»ми? Боя Ҳайитмурод аканинг «фақат режани бажариш билангина мақтаниб бўлмайди», «ҳамма ишни одамлар қилади», «энг аввало уларнинг қалбига йўл топиш керак» деган мулоҳазалари нуқтаи назаридан қараганда, бу ердаги раҳбарлар билан деҳқонлар ўртасида баъзан турли хил ижтимоий муаммолар юзага чиқаётгани сир эмас. Сўнгги пайтларда хўжалик ҳудудида яшовчи фуқаролар турли идораларга бир неча бор шикоят хатлари йўллашди. Уларда: **«2000 йил ҳисобида хўжалик фермасида 97 бош сигир, 101 бош қўй бор эди. Ҳозир эса қорамоллар камайиб кетди, қўй битта ҳам қолмади. Фермадаги молхоналар бузилиб, талон-торож қилинди. Товуқ фермаси билан мева-сабзавот омборхонасининг тақдири ҳам худди шундай...»** сингари эътирозлар бор.

Кимдир «ҳа энди, одамлар бўлса-бўлмаса шикоят қиладида» дейиши мумкин. Бу у қадар ўйловли мулоҳаза эмас. «Шамол бўлмаса, дарахт учи қимирламайди». Раҳбарларнинг одамларга тўғраларча муносабати, талон-торожлик, ошна-оғайнигарчилик ёки «қаерга борсанг-боравер, кимга ёзсанг-ёзавер, мени ҳеч нима қилолмайсан» қабилидаги тутум билан иш битадими? Ҳайитмурод ака айтганидек, лавозим имтиёз эмас, масъулият эканлигини нега баъзан унутиб қўямиз...

Истиқлол йиллари шарофати билан бундай ҳикматли фикрлар ҳаётда ўз исботини топаяпти ҳам. Кимнинг қандайлигини ўша ҳудудда истиқомат қилувчи кишиларнинг юзига, кўзига қараб англасангиз ҳам бўлади. Шу ўринда эътиборингизни тахririятга келган бир хатдан олинган парчага қаратамиз: **«...Хўжалигимизда бу йил ғалла мўл бўлди**, — деб ёзади Қарши туманидаги «Насаф» жамоа ширкат хўжалигида яшовчи бир гуруҳ фуқаролар. — **Ижарачилик яхши йўлга қўйилган. Истаганлар фермерлик фаолияти билан шуғулланишяпти. Рости, яқин 4-5 йиллар ичида раҳбардан ёлчидик. Хўжалигимизнинг собиқ раҳбари Гулмурод Рўзимуродов ҳам, айни вақтдаги бошқарув раиси Умидилло Арслонов ҳам кишилар билан тил топа оладиган одамлар экан. Режалар доим бажарилиб келиняпти. Сал қийналиб қолган вақтларимиз ҳам раислардан ёмон гап эшитмадик. «Буғдой нонинг бўлмаса ҳам, буғдой сўзинг бўлсин» деганлари шу бўлса керак. Ҳатто тўй-ҳашамларимизга ҳам бош-қошлик қилишди. Масалан, хўжалигимизда анча йиллардан буён «Момогул» фольклор-этнографик ансамбли фаолият юритмоқда. Қандай тадбир бўлмасин, «Момогул»нинг иштирокисиз ўтмайди... Биз фахрланамиз!..»**

Сал илгарироқ Қарши туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Сайфулла Ҳайруллаев билан учрашиб, айни шу хўжаликда олиб борилаётган ижобий ишлар хусусида сўрагандим:

— Ишнинг барори — биринчи галда кадрга, хусусан, раҳбарга кўп жиҳатдан боғлиқ. Раҳбар — мансабни имтиёз билмай, уни бурч ва масъулият деб ҳис этса, барчага бирдай одил муносабатда бўлади, — таъкидлади у, — Одамлар ҳам ишга, ҳаётга, турмушга ва раҳбарнинг бошқарувчилик фаолиятига одиллик билан итоат қилади. Шу маънода хўжалик раиси Арслоновни шундай раҳбарлар сирасига киритиш мумкин. У оддий сувчи билан ҳам, сиз билан ҳам, мен билан ҳам бир хил муомалада. Менимча, унинг ютуғи ҳам мана шунда...

Демак, раҳбар билан раҳбарда, раҳбарлик билан раҳбарликда ҳам гап кўп экан... Хуллас, бу галги хизмат сафаримдан раҳматли дадамнинг ўн олти йил муқаддам нуқрадек кўз нурлари сингиб қўйилган мақола сарлавҳаси мағзини ва Ҳайитмурод аканинг фикр-мулоҳазаларини янада аниқроқ, чуқуроқ тушуниб етгандай бўлдим.

Илҳом КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ва соғлиқ демак

Тошкент вилоятининг Қибрай, Бўстонлиқ туманлари ва Чирчиқ, Янгийўл шаҳарлари маҳаллаларида санитария-эпидемиологик вазиятни янада яхшилаш ҳамда аҳоли яшаш жойларини ободонлаштириш борасида олиб борилаётган амалий ишлар ҳақида

Янгийўл шаҳар ДСЭНМ бош врачи Маҳфуза Бўрибоева, Марказнинг санитария-гигиена бўлими мудири Пардабой Ўринбоев ҳикоя қилади:

— Аҳоли ўртасида тозаликка ва санитария маданиятига риоя қилиш масалалари тарғиботини фаоллаштираяпмиз. Санитария талабларини таъминламаган ташкилотлар, идоралар раҳбарлари ва жисмоний шахсларга нисбатан талабчанликни ҳар қачонгидан кучайтирганмиз. Масалан, марказимиз назоратидаги 324 та озиқ-овқат объектларида 115 та текширув ўтказиб, уларнинг 88 таси лаборатория таҳлилидан ўтди. Назоратлар жараёнида бактериологик таҳлил учун олинган 556 та суртмаларнинг 22 тасида «ичак таёқча»си борлиги аниқланди: Давлат стандарти талабларига кўра текширилган 61 та ичимлик сув объектларининг 5 таси намунасида таҳлиллар санитария талабларига жавоб бермаслиги маълум бўлди. 124 та озиқ-овқат маҳсулотларидан 4 тасининг лаборатория натижалари ҳам рисоладагидек яхши эмаслиги тасдиқланди.

Бундай мисолларни яна келтираверишмумкин. Бироқ, бизнинг вазифамиз уларни фақат аниқлаш ва қилинган ишларни санаб ўтишгина эмас, балки, уларнинг олдини олиб, истеъмолчилар соғлигини муттасил ҳимоя қилишдир. Шу нуқтаи назардан, жойларда даволаш профилактик ва тарғибот-тушунтириш ишлари савиясини оширишга муҳим эътибор бераяпмиз. Керак бўлса, айбдорларни жазолаяпмиз ҳам. Жорий йилнинг тўрт ойи ичида корхона, ташкилот ва муассасаларга 14 та санитария-гигиена талабномалари юборилди. 32 нафар жавобгар шахсга 399080 сўм миқдорида жарима солинди. 21 та объектнинг фаолияти вақтинча тўхтатиб қўйилди. 435 килограмм озиқ-овқат маҳсулотлари яроқсиз топилиб, савдодан ва истеъмолдан олиб ташланди. Тиббиёт кўригидан вақтида ўтмаган 8 нафар хизматчи ишдан четлаштирилди.

«Обод маҳалла йили»да ишимиз суръати ва сифатини янада фаоллаштириш учун яқинда шаҳримиздаги 12 та маҳаллага яна 23 нафар ДСЭНМ ходими махсус бириктириб қўйилди...

Бўстонлиқ туман ДСЭНМининг овқатланиш гигиенаси бўлими мудири Клара Шерматова билан болалар ва ўсмирлар гигиенаси бўлими шифокори Карима Ҳайдарова сўзлаб берди:

— Туманимиз нафақат вилоятда, балки республика миқёсида оромгоҳ ҳудуд ҳисобланади, десак муболаға эмас. Мана, ёз фасли ҳам келаяпти. Бундан буёғига ҳудудимизнинг ҳар бир ўнгири дам олиш, ҳордиқ чиқариш, сайр қилиш истаги билан келганларга тўлиб кетади. Айниқса, ёзги таътил бошланиши билан лагерлар, санаторий ва пансионатларимиз мактаб, лицей, коллежларнинг ўқувчи ҳамда талабаларига гавжум бўлади.

Тасарруфимизда 36 та болаларни соғломлаштириш оромгоҳлари бор. Уларнинг ва у ерда дам олувчиларнинг муассасалари раҳбарларига болалар саломатлигини тиклаш учун намунали шароитларни яратиб беришлари лозимлиги тўғрисида тавсиялар ҳамда талабномалар берганмиз. Доимий назорат гуруҳлари ташкил этганмиз. Ўтган ҳафта ичида эрта-индин болаларни ўз бағрига олувчи «Автомобилчи», «Чотқол», «Камалак», «Алоқачи», «Шодлик» сингари соғломлаштириш оромгоҳлари тайёргарлиги билан танишиб, қониқиш ҳосил қилдик.

Шунингдек, тумандаги 205 та савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг санитария маданияти доимий назоратимизда турибди. Уларнинг бирортасида ДСЭНМ талаблари бузилгудек бўлса, дарҳол тегишли чоралар кўраяпмиз. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида санитария-гигиена қоидаларига амал қилмаган 28 та объектнинг фаолиятини ахвол ўнглангунга қадар тўхтатиб қўйдик. 78 нафар жавобгар шахсларга тегишлича жарималар солинди.

Туманимиз таркибига кирувчи шаҳарлардаги маҳаллаларда ва олис қишлоқларда мавзуга оид тез-тез суҳбатлар ўтказиб, маҳаллий рўзномаларда чиқишлар уюштираяпмиз, махсус эслатмалар нашр қилиб, уларни аҳоли ўртасида тарқатаяпмиз.

Буларнинг ҳаммаси — туманимиз ҳаётида санитария эпидемиология ишларининг тобора яхшиланиб боришига хизмат қилмоқда...

* * *

Мана, ёз фасли ҳам бошланди. Биласиз, жазирама кунларда минтақамиз шароитида санитария-гигиена талаблари ва қоидаларига қатъий риоя этиш катта аҳамиятга эга. Чунки, гап мамлакатимиз кўрки бўлган маҳаллаларимизнинг озодалиги, ободлиги, пировардида, инсон саломатлиги устида бораяпти. Шундай экан, «Обод маҳалла йили»да овулларимиз, маҳаллаларимиз озодалиги ва ободлиги — кўкҳимиз ободлиги, бағримиз бутунлиги, тан-жонимиз соғлиги ҳамдир.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ,
Умиджон САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

Қорақалпоқ болалари оромгоҳларга жўнаб кетди

Ёз фаслини бутун мактаб ўқувчилари орзиқиб кутишади. Бу фаслда улар учун ёзги оромгоҳларда мириқиб дам олиш, сайр қилишга барча шароитлар яратилади.

Ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги билан ҳар йили экологик оғир бўлган ҳудудлар — Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятидан минглаб болалар табиати гўзал, иқлим шароити қулай ҳисобланган вилоятлардаги ёзги оромгоҳларга жўнатилади.

Бу йил ҳам Қорақалпоғистон Республикасидан 2500 нафар меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган оилалар, афғон уруши қатнашчиларининг фарзандлари Тошкент вилоятидаги оромгоҳларга жўнатилиши кўзда тутилган. Куни кеча Нукус темир йўл вокзалида уларнинг биринчи гуруҳи — 750 нафар бола Нукус — Тошкент поездида кузатиб қолинди. Уларга шифокорлар, кузатувчилар ҳамроҳлик қилади.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«ЧОРСУ БУЮМ БОЗОРИ» очиқ акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

«Чорсу буюм бозори» ОАЖнинг дивиденд олмаган акциядорларини «Чорсу буюм бозори» ОАЖ маъмуриятига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, Заркайнар кўчаси, 1-уй.

● ИҚТИСОД ВА ИСЛОҲОТ

Маҳаллий хомашё — даромад унуми

ЁКИ «ҚУВАСОЙЦЕМЕНТ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ БОРАСИДА ЭРИШИЛАЁТГАН ЮТУҚЛАР ҲАҚИДА

- **Беш халқаро мукофотга сазовор корхона.**
- **Цемент сифати бутун Европага манзур.**
- **Сопол қоплама (черепица) — ҳам ҳусн, ҳам ишончли том.**



— Ишчи-хизматчиларимиз қандай тушлик қилишларини кўришни истасангиз ошхоналаримиздан бирига кириб ўтишимиз мумкин, — деб қолди ҳамроҳимиз **«Қувасойцемент» очиқ акциядорлик жамиятининг бош технологи Руломжон ЭРАЛИЕВ.**

Кирдик. Одамлар биринкетин бежирим дастурхонлар атрофига ўтиришди. Биринчи овқат қатиқли карам шўрва. Таътиб кўрдик. Жуда ҳам лаззатли. Кейин ош, сўнгида ҳўл мева — қулупнай.

— Маҳсулотларнинг ҳаммаси ўзимизнинг ёрдамчи хўжаликдан, — изоҳлади Руломжон. — Сабзавот, мева-чева, гўшт-сут ўзингники бўлганига не етсин: арзон, сифатли, нақд. Ишчиларга бепул. Уларнинг дам олишлари ва саломатликларини мустаҳкамлаш учун «Роҳат» санаторий-профилакториямиз ҳам бор... Хуллас, ижтимоий ҳимояга саъй-ҳаракатимиз кўп...

— Моддий манфаатдорлик-чи? — сўраймиз.

— Бу саволингизга рақамлар тили билан жавоб беришга тўғри келади, — деди у ва қўлидаги қалин «ҳафталик» дафтарини варақлади.

— Айтайлик, 2001 йилда ўртача ойлик иш ҳақи 35700 сўмни ташкил этган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 68300 сўмдан ошди. Ҳозир ўртача ойлик маош 95 минг сўм. Тўққиз йилдирки, корхонамиз очиқ акциядорлик жамияти. Одамлар йил сайин дивиденд олиб турибди. Масалан, ўтган йили 483 миллион сўм маблағ дивиденд сифатида тарқатилди, бу йилги ҳисобкитобларга кўра 521 миллион сўм бўлади. Ўтган йилги соф фойдамиз 4,5 миллиард сўмга етди...

Манфаатдорлик юқори бўлса иш ҳам баракали бўларкан. Айниқса, мулк шаклининг ўзгариши билан маҳсулотларимиз сифати янада ошди. Меҳнат унумдорлиги кўтарилди. Шу йилнинг 5 ойлик кўрсаткичлари: 257295 тонна клинкер, 295100 тонна цемент, 12918 тонна оҳак, 1492 тонна майдаланган оҳак, 4566 тонна гипс, 44909 минг дона шартли плита шифер, 55440 дона сопол черепица...

Суҳбатимизга **Жамият бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи Усмонали ОРТИҚОВ** қўшилди. У сўзни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлардан бошлади:

— Юртбошимиз ҳар гал ишлаб чиқаришга маҳаллий хомашёларни жалб этмай катта ютуққа эришиб бўлмайди дейдилар. Мутахассисларимиз, рационализатор ва ихтирочиларимиз бу борада астойдил бош қотиришмоқда. Масалан, четдан валюта ҳисобига келтирилаётган хомашё ўрнига уларни маҳаллий конлардан олишни ўзлаштириш, эҳтиёт қисмлар ва бутловчи деталларни ўзимизда ишга қўйиш борасида анча-мунча ишлар амалга оширилди. Илгари цементни майдалашда ишлатиладиган электротермофосфор четдан каттагина валютага келтириларди. Мутахассисларимиз маҳаллий «Термоактив» қўшимчаларидан фойдаланиш йўлини топишди. Асосида силикат ўтириб қолмайдиган, кенгаювчан ва ўтга чидамли қуруқ аралашмали цемент тайёрлаш жараёни жорий этилди. Ҳозир эса супер сульфатга бардошли супер тампонаж цементи олиш йўллари қидирилмоқда.

Ёқилғи-энергетика ресурслари қимматлашиб бораётганлиги боис, уларни иложи борича камроқ сарфлаб, кўпроқ сифатли ва арзон маҳсулотлар тайёрлаш учун Австрияда ишлаб чиқарилган газ горелкалари ўрнатишни мўлжаллаб қўйдик. Нархи 40 минг АҚШ долларига бораркан. Агар бу ускуна ёрдамида газ сарфи 6 фоизга қисқаришини эътиборга олсак, самараси ўз-ўзидан кўриниб турибди.

Яна бир янгилик: 1999 йил корхонамиз томонидан Лоғон оҳактош кони ўзлаштирилди. Бу бизнинг асосий хомашёмиз. Аввалари у Қирғизистон ва Тожикистондан келтириларди. Лоғон каръери эса корхонамиздан бор йўғи 6-6,5 чақирим нарида. Ҳозирча хомашёни у ердан «БелАЗ», «МАЗ», «КамАЗ» машиналарида ташияпмиз. Биз бу жараён сарф-харажатини ҳам камайтириш устида ўйлаб, тасмали конвейер линияси ўрнатишни ният қилдик. Хориждан лойиҳасига ҳамкор топиб, (ҳисоблаб кўрдик: нархи 6,5 миллион АҚШ долларига тушаркан) кредит олинганлиги учун тўланадиган фоизларни қўшсак, 10 миллион доллар бўларкан. Бу ҳам бироз қимматроқ. Биз бошқа йўлни танладик: Ангрен кўмир конида худди шундай линияни ишга туширишган «Ўзбеккўмир» акциядорлик бирлашмасининг лойиҳа институти мутахассисларига мурожаат қилдик. Улар ёрдам берадиган бўлишди. Фақат линиянинг айрим эҳтиёт қисмларини Белорус ва Украинадан олиб келар эканмиз. Қиймати хориж конвейерининг 25 фоизига тенг бўлиб, бор-йўғи 2,5 миллиард сўмга тушаркан.

Жамоада айланма ва шахтали печлар, шунингдек, иссиқлик агрегатларини ҳимояловчи «шамот» (ўтга чидамли ғиштлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилганига анча бўлди. Бу ҳам катта миқдорда маблағ тежалишига олиб келаяпти. Оҳактошни майдалашда ишлатиладиган восита — цельпебс тайёрлаш технологияси эса ўтган йили жорий этилган. Агар ишлаб чиқариш чиқиндилари ҳисобига олинаётганлиги инобатга олинса, бу жараёндан ҳам анчагина миқдорда маблағ тежалаётганлиги маълум бўлади. Шу маҳсулот ҳам аввалари Россия Федерациясидан валюта эвазига келтириларди. Илгари Россия ва Қирғизистондан олинган асбестцемент листлари тайёрлаш технологияси йилига 160 минг АҚШ доллари миқдоридаги валютани тежаб қолаётир.

Буларгина эмас, корхонада эҳтиёт қисмлар, ўтга чидамли ғишт, майдаловчи чўян, жисмлар, подшипник корпуслари, бронза сухариклар, таянч роликлар тайёрланмоқда ва таъмирланмоқда. Оҳактош, сланец ва бошқа хомашё ҳамда бутловчи қисмлар ҳам энди корхонанинг ўз маҳсулотлари бўлиб қолди.

Қисқа муддат ичида бу ерда маҳаллий хомашёдан том устига ёпиладиган сопол черепицалар ишлаб чиқариш лойиҳаси ҳам яратилди. Йўқса, яқин-яқингача сопол учун соз тупроқ 60 чақирим узоқ — Риштондан келтириларди. Энди эса у «Деларос» Ўзбекистон-АҚШ қўшма корхонаси билан ҳамкорликда корхонага нисбатан яқинроқ жойдан олиб келинаяпти.



Суратларда: жамият ишчи-хизматчилар фаолиятидан айрим лавҳалар.

Хорижий бозорга чиқиш Қувасойлик цементчиларнинг доимий орзуси эди. Шу боис корхонада ташқи иқтисодий алоқалар бўлими ташкил этилганлиги қувончли ҳол. Қўшни Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Қозоғистон Республикалари ва Афғонистондан тушган буюртмалар кўлами ой сайин ошиб бормоқда. Бугунги кунда ишлаб чиқарилаётган «М-400», «М-500» рақамли сульфатга чидамли портландцемент, тампонаж портландцементлари, минерал қўшимчали «М-400», «Д-20» портландцементи, 8 тўлқинли шифер, оҳак ва бошқа маҳсулотлар халқаро стандартлаштириш ташкилотлари томонидан эътироф этилди. Масалан, «Халқаро олий сифат даражасидаги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлидаги саъй-ҳаракатлари учун сертификат», «Халқаро сифат даражаси учун мукофот», «Европа конвенцияси халқаро бизнесига қўшилган мислсиз ҳисса ва олий касб маҳорати учун сертификат», Ишбилармонлик ва тадбиркорлик учун «Олтин юлдуз» (Мадрид) сингари совринлар жамоанинг обрў-эътиборидан далолат.

Мухтасар қилиб айтганда, «Қувасойцемент» очиқ акциядорлик жамияти ишчи-хизматчилари мамлакатимиз Мустақиллигининг 12 йиллигини ёруғ юз билан кутиб олишмоқда.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

● НУҚТАИ НАЗАР

Солиқ ва имтиёз

ЁХУД ТИЗИМНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИРИ

Ишлаб чиқариш фаолиятини солиқлар орқали тартибга солишда хўжалик юритувчи субъектлардан олинадиган даромад (фойда) солиғи бўйича имтиёзлар алоҳида ўрин эгаллайди. Мамлакатимизнинг солиқ тизимида ишлаб чиқарувчиларга берилган имтиёзлар кўп сонлилиги ва кўп қирралилиги билан ажралиб туради. Имтиёзлар корхонанинг айрим ҳақиқий харажатларига солиққа тортиладиган фойдани камайтириш йўли билан, шунингдек, солиқ ставкаларини туширишва умуман солиқ тўлашдан озод қилиш ёки улар фаолиятининг дастлабки вақтларида муайян муддатларга озод қилиш йўли билан тақдим этилади. Корхоналар айниқса, капитал қўйилмалар билан боғлиқ имтиёзлардан кенг фойдаланадилар. Бу эса тадбиркорлик субъектларининг инвестиция фаолиятига бевосита таъсир этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бизнинг фикримизча, кўпгина солиқлар бўйича имтиёзлар ишлаб чиқарувчиларнинг инвестиция фаоллигига қулай шароитлар яратиш учун етарли эмас. Ишлаб чиқарувчилар фаолиятини солиқлар орқали тартибга солишнинг асосий камчилиги — бу уларнинг ишлаб чиқаришни ривожлантиришга таъсирининг маълум даражада камлилигидир.

Бундан ташқари ягона солиқнинг жорий этилиши, бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда ҳам шу солиқни тўловчи субъектлар зиммасига солиқ юкининг камайишига олиб келади. Чунки, ягона солиқни тўловчи корхона ялпи тушумдан солиқ тўлаши мумкин. Аммо умумий солиқ тўлаш тартибида эса ялпи тушумга эга бўлмаган ҳолатда ҳам солиқ тўлайди. Масалан, мол-мулк солиғи, ер солиғи, экология солиғи ва бошқалар.

Кейинги йилларда солиқ механизмида амалга оширилган ўзгаришларнинг бир қисми солиқларнинг сони ва уларнинг ставкаларига тегишли. Айрим солиқ ставкаларининг бир неча пунктга пасайтирилганлиги бевосита ишлаб чиқарувчилар фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган бўлса-да, у ерда бюджет манфаатлари сира назардан четда қолмаслиги керак. Негаки, масалага бу тарзда ёндашиш иқтисодиётда бюджет тақчиллиги мавжуд бўлган шароитда алоҳида аҳамият касб этади. Солиқ ставкаларини пасайтириш сари юз тутилган пайтда иқтисодиётда шунга мос равишда тадбиркорлик фаолияти ҳам юқори суръатларда ривожланиши ва солиққа тортиш базаси анча кенгайиши керак. Акс ҳолда кўзланган мақсадларга эришилмасдан, бюджетдан амалга ошириладиган харажатларни қисқартиришга тўғри келади.

Давлат солиқ сиёсатини ишлаб чиқар экан, у солиқ механизмига катта эътибор беради. Бошқача айтганда, давлат иқтисодиётни рағбатлантирувчи фискал сиёсати ёки иқтисодиётнинг айрим соҳалари ривожланишини ҳар томонлама секинлаштирувчи сиёсатни ишлаб чиқишда солиқ механизмидан кенг фойдаланади. Рағбатлантирувчи фискал сиёсатини олиб боришда солиқ турларини кўпайтириш, солиқ ставкаларини ошириш, солиқ бўйича имтиёзлар беришни тўхтатиб туришларини ҳам кўзда тутади.

Мамлакатимизда ишлаб чиқариш фаолиятини рағбатлантириш нуқтаи-назаридан юридик шахслардан солиққа тортишни ташкил этиш борасида солиқ имтиёзларига доимий равишда нажот кўзи билан қарайвериш ҳозирча ўзининг у қадар маъносига эга эмас, наздимизда. Чунки солиқлар бўйича имтиёзларни бериш мантиқий чегарага эга. Ушбу фикр солиқ юкини узлуксиз пасайтириб бериш масаласига тегишли. Бу ерда масала имтиёз бериш ёки солиқ юкини пасайтириш, ўз олдига қўйилган мақсадга тўла-тўкис эришилган пайтдагина моҳиятини топади.

Кейинги йиллардаги умумий тенденция — солиқ ставкаларининг пасайиб бораётганлиги билан характерланганлиги учун ишлаб чиқариш фаолиятини рағбатлантиришга айнан мос келса-да, юридик шахсларни солиққа тортишни ташкил этишда юқоридаги тенденцияни ҳисобга олган ҳолда (берилган ёки берилиши лозим бўлган) имтиёзларни тартибга солиш ёки кескин чеклаш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Чунки, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти эркин бозор иқтисодиётидан фарқли ўлароқ, иқтисодиётга давлатнинг нисбатан кўпроқ аралашувини, солиқлар сонининг кўплигини ва солиқ юкининг ҳам нисбатан оғирроқ бўлишини тақозо этади.

Панжи ЖАЛИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси

Макка сўтасидан... мебель

Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институт ўқитувчилари — Тоҳир Шомуродов, Нурия Яхшимуродова, Нодир Каримов, Рустам Шамсиевлар томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа қишлоқ хўжалик чиқиндилари — сомон, қамиш, дони олинган маккажўхори сўтасидан ҳам мебель ишлаб чиқариш мумкинлигини исботлади.

— Бу чиқиндилардан тайёрланган мебеллар, — дейди институтнинг бизнес ва бошқарув факультети декани, техника фанлари номзоди Т. Шомуродов, — пишиқлиги жиҳатидан табиий ёғоч материалларидан сира қолишмайди. У намни ўтказмайди.

Олимлар лойиҳасини республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази танловда ғолиб деб топди. Ушбу лойиҳага мебель ишлаб чиқариш «Файз» холдинг компанияси катта қизиқиш билан қараб, олимлар билан шартнома тузди. Лаборатория тадқиқотлари олиб борилаётган айни пайтда мазкур ишланмага жорий йил учун 2,7 миллион сўм маблағ ажратилди.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Тақдимот

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда Нукус шаҳрининг 70 йиллиги олдидан Қорақалпоғистон халқ шоири, Бердақ номидаги Давлат мукофоти совриндори Гулистон Матёқубованинг янги босилиб чиққан «Муҳаббат юрти» ва «Излаганларим» номли китобларининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Тадбирни «Саодат» журнали бош муҳаррири, Ўзбекистон халқ шоири Ойдин Хожиева олиб борди. Адабиётшунос олим Бахтиёр Назаров сўзга чиқиб, Гулистон Матёқубованинг ижод йўли, асарларида бадиий усулларнинг қўлланилиши ҳақида гапирди. Шундан сўнг Ўзбекистон халқ шоирлари Омон Матжон, Жуманиёз Жабборов, Нормурод Нарзуллаев, Усмон Азим, ёзувчи Эркин Аъзам, шоир Азим Суюн, Қутлибека Раҳимбоевалар қорақалпоқ шеърияти, шоиранинг унга қўшаётган ҳиссаси ҳақида фикр билдирдилар.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ

Болаларимиз соғлом бўлса, миллатимиз бақувват бўлса, ҳаёт синовлари ва қийинчиликлардан қўрқмайдиган, иродаси мустаҳкам бўлса, энг муҳими шу. Мана шу ғоя учун жон куйдириб яшаш ва ишлаш керак.

Ислом КАРИМОВ

СПОРТ МАЙДОНИГА... ҒАЛЛА

ЁКИ КАТТАҚЎРҒОН ТУМАНИ «ҒАЛАБА» ШИРКАТ ХЎЖАЛИГИДАГИ 9-ЎРТА МАКТАБНИНГ СПОРТ МАЙДОНИГА ҒАЛЛА ЭКИБ ЮБОРИЛГАНЛИГИ ҲАҚИДА

Таҳририятимизга йўлланган шикоят хатини ўқиймиз.

«Гап шундаки, — деб ёзади Р.Ёрқулов. — 1995 йилда биз акаукалар яхши ниятлар билан хўжалик ҳудудидаги 2 гектар ерга шартнома асосида терак эккан эдик. Ҳеч бир маошсиз, керакли ўғит ва кимёвий препаратларни олмасдан бир неча йиллар мобайнида етиштирган теракларимизни маҳаллий раҳбарлар, хусусан хўжалик раиси 9-мактабнинг томини ёпиш баҳонасида қонунга хилоф равишда кесиб олаётир...».

Масалага ойдинлик киритиш учун хўжалик раҳбари Шарофат Вафоева ва бу ишга алоқадор мутасаддилар билан мулоқотда бўлдик. Маълум бўлишича, хўжалик ўз ҳудудидаги боғча ва мактабларнинг таъмирлов ишларини ҳомийликка олган. Шу мақсадда таъмирлашда ёғоч материалларига эҳтиёж бўлганлиги боис хўжалик раҳбари теракларни кесиш учун туман ҳокимига хат билан мурожаат қилган. Туман ҳокими М.Абдуллаев 21 март 2003 йилдаги 201-рақамли хати билан теракларни йиқитиш учун вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасидан рухсат сўраган. Туман ҳокимининг хатига асосан вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассислари иштирокида 22 май 2003 йилда далолатнома тузилган. Т.Худойназаров берган рухсатномага асосан хўжаликда комиссия тузилиб, 2003 йил 1 июнь куни Олтинсой қишлоғида 1 гектар теракзорнинг 50 фоизи, яъни 1203 донаси кесиб олинган. Қолган 1203 туп терак қоровул Ш.Ёрқулованинг улуши сифатида жойида қолдирилган. Теракни экиш, парваришлаш ва шунга яраша ҳақ тўлаш борасида хўжаликда ҳеч қанақа шартнома йўқ. Қоровулда эса 1996, 1997 йилларда тузилган шартноманинг ксеро нусхалари мавжуд, холос. Шу ўринда бир мулоҳаза. Хўш, ксеро нусхалардаги шартномага кўра, Ш.Ёрқулова қоровул вазифасини бажариши лозим бўлса, унга ҳар ойда ойлик маоши тўланса, унда нега экилган теракларнинг 50 фоизи қоровулга тухфа этилиши керак? Агар ер ижарага олиниб тераклар Ш.Ёрқулова томонидан парваришланган бўлса хўжалик нима учун ижарачи етиштирган маҳсулотга хўжайинлик қилмоқда?! Бу борада хўжалик раҳбарининг фикрларини эшитайлик.

— Терак тўғрисидаги важларга қўшилмайман. Қоровул икки йилдан буён теракзорга умуман қарамай қўйди. Натижада тераклар қурий бошлади. Бир қисми ўғирлаб кетилган. Тераклар турини кўпайтириш учун ажратилган 0,10 га ерга ҳам ниҳол экилмай қолиб кетди. Шу сабаб теракзорни бузиш учун вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасидан рухсат олдик. Хўжалик йиғилишининг 6-сонли баённомасига асосан теракларни қиркдик. Агар ноқонуний бўлса табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси жавобини берсин, — дейди раиса Шарофат Вафоева.

Масалага янада ойдинлик киритиш мақсадида вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раисига қўнғироқ қилдик.

— Мен даладаман, — деди қўмита раиси Т.Худойназаров муддаомизни тушунгач, — кечаси соат 10.30-11.00 ларда идорада бўламан. Ёки эрталаб 7.00 ларда келинг, саволингизга жавоб бераман.

Ана холос. Хуллас, аксига олиб теракзорни кесиш тўғрисидаги рухсатноманинг қай даражада қонунийлиги номаълумлигича қолди.

Энди шикоят хатининг давомини эшитинг. «Ноинсофлик шу даражага етганки, 9-мактаб тажриба участкалари ва спорт майдони учун ажратилган ерлар хўжалик раҳбари Ш.Вафоева томонидан сотиб юборилган...»

«Сотиб юборган» деган гап қанчалик ҳақиқатлигини тегишли идоралар аниқлайди, албатта.

Лекин қурилиш лойиҳасига асосан спорт майдони учун ажаратилган 1 гектар ерга, тажриба участкаси ўрнига ғалла экилгани, одамларга томорқа учун бўлиб берилганини ҳамма кўриб, билиб турибди.

— Мактабимизнинг эски биноси олдида спорт майдони борлиги боис (орадаги масофа 500 метр) янги биномиз ёнида спорт майдони учун ажратилган 1 гектар ерни ижарага берганмиз. Икки юз минг сўм ижара ҳақи мактаб касаба уюшмаси ҳисобига кирим қилинган, — дейди мактаб директори Искандар Шерқулов. — Спорт майдонини ижарага бериш тўғрисида шартномалар имзоланган.

Бу гапга нима дейиш мумкин? Кимсан мактаб директори шундай деб турса: 200 минг сўм мактаб учун қанча фойда келтиради? Бутун бошли мактабнинг спорт майдонисиз қолиши ўқувчилар жисмоний тарбияси, маънавиятига қанча зарар келтиради?

Бугун ҳукуматимиз томонидан болалар спортини ривожлантириш, соғлом авлодни тарбиялашга энг муҳим вазифа сифатида қаралаётган бир пайтда бу аҳволни қандай изоҳлаш мумкин?

Шуҳрат ҚАРШИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Қишлоқда спортга қизиқиш кучли

Қамаши туманидаги Ёртепа қишлоғидаги қурилиш-саноат коллежида талабалар учун барча шароит мавжуд. Айниқса, уларнинг спортга бўлган қизиқишига ҳавас қилса арзийди. Талабалар бўш вақтларини кўпроқ спорт мажмуида ўтказишади.

Коллеж талабалари орасида «Спорт усталигига номзод», 1-разрядли спортчилар, вилоят ва республика спорт мусобақалари иштирокчилари кўпчиликни ташкил қилади. Бу ерда спортнинг штанга, бадиий гимнастика, футбол, миллий кураш каби турлари яхши ривожланган.

Суратда: талаба Зумрад Арабованинг севган спорт тури — бадиий гимнастика.

Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.

● ОБОД МАҲАЛЛА — МАМЛАКАТ КЎРКИ

МАҲАЛЛАМИЗ МИРЗОСИ

— Маҳалламиз пойтахтнинг марказий туманларида жойлашган. 3 мингдан ортиқ аҳоли, 500 дан кўпроқ хонадон бор, — деб гап бошлайди Миршаропов номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шермат ота Дўстмуҳамедов. — Режаларимиз ҳам чакки эмас. Қандай ишга қўл урмайлик, маҳалла фаолларига суянамиз. Ўйлайманки, ташкилий-тадбирий ишларни рўёбга чиқаришда, уни ҳужжатлаштириб расмийлаштиришда маҳалла қўмитаси котиби, яъни мирзосининг ўрни бошқа бўлади. Агар Турсунпўлат ҳақида гап кетадиган бўлса, маҳаллада унинг юмушлари етарли. Байрамларга бағишланган гурунглар ёки сайиллар уюштирамизми, кўчақўйларга дов-дарахтлар ўтқазамизми, бундай тадбирларнинг бошида у менинг қаторимда турганидан кўнглим тўқ. Бултур ёшларнинг бўш вақтини мароқли ўтказиш ниятида маҳалла футбол жамоаларини таркиб топтиришга тўғри келди. Шунда Турсунпўлатнинг кўрсатган жонбозлиги кўпчиликни ҳайратга солди. Шунингдек, 30 ёшдан ошган кишилар ўртасида тузилган футбол жамоалари эришган ютуқлар ҳам маҳалламизга обрў келтирди. Ўшанда туман бўйича 12 футбол жамоаси иштирок этиб, ҳал қилувчи ўйинда бизнинг «Миршаропов» жамоамиз «Гулистон» футболчиларини 7:2 ҳисобида доғда қолдиришган.

Бу йилги ишларимиз ҳам маромида. Ҳозир Турсунпўлат маҳалла гузарини тиклаш билан боғлиқ хат-ҳужжатларни ўрнига қўйиш билан банд. Ҳали бу гузар фойдаланишга топширилса, унда оталар чойхонаси, катта-кичик дўкон, сартарошхона, пойабзал устахонаси, кутубхона, аёллар маслаҳатхонаси ҳамда кичик теннис билан шуғулланиш учун шароитлар яратиш кўзда тутилган. Маҳаллада ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратилган.

Маҳалла оқсоқолининг гапларидан кейин таниқли журналист, «Ғунча» болалар журналида узоқ йиллар масъул котиблик қилган Маҳмуд Муродовнинг гаплари ёдга келади. «Турсунпўлат ҳақида кўп ва хўп сўзлаш мумкин. 1958 йили ҳарбий хизматдан қайтган аскар бола «Ғунча»га келдию шу ерда «очилди». У расм чизишга, мўйқалам ўйнатишга меҳр қўйганди. Унинг маърифатпарварлиги рассомлик билан боғлиқ бўлса, табиатида тарбиячиликка мойиллиги борлигини ҳам сезганман. Ҳар бир чизмалари билан болалардаги сурат ва сийратнинг шаклланишига имкон берарди, десам муболаға бўлмас. Тез орада бағрикенг, меҳржон бу инсон ижодкорлар даврасида эътибор топди. Унинг чизмалари «Муштум» журнали саҳифаларини ҳам безаб турди. Ҳикоянавислигини кўрганимда, севинганман. Турсунпўлатнинг «Олмахон» асари кўпчиликка таниш».

Шундай Турсунпўлат Холмуҳамедов ўзининг саъй-ҳаракатлари билан элга танилди. Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси, республикада хизмат кўрсатган журналист унвонларига лойиқ кўрилди. А. Ғуломов, А. Маҳкамов, Х. Раҳматуллаев, Р. Зупаров каби шогирдлар орттирди. «Саодат», «Гулхан», «Ғунча» журналлари бирлашган маҳаллий қўмитасига бир муддат раислик қилди. У бир нарсани такрорлашни хуш кўради. У ҳам бўлса «Сизу биздан нелар қолмоқда, умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда...» каби қўшиқ сўзларини ҳиргойи қилишдан толмайди.

Ҳайдар НОСИРОВ

«Чорсу буюм бозори» ОАЖга ер кадастр бошқармаси томонидан берилган 1995276138 рақамли ҳужжат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ҳикматли сўзлар маъноси

Ёв қочса, ботир кўпаяр

«Ёв йўғида — ҳамма ботир», «Ёв ортидан — юдуруқ» (юдуруқ — мушт. Бу ўринда «мушт ўқталмоқ» маъносида келтирилган); «Бизнинг ака — ўзи кўрқоқ, қўли ботир, Ёв қочганда — қиличини ярақлатур». Жангда мардлар, ботирлар билан бирга қўрқоқлар ҳам бўлади. Бундай қўрқоқларнинг аксарияти жангу жадал пайтида бирор пана жойда писиб ётади. Мардларнинг жасорати туфайли ёв қочганидан кейин эса писиб ётган жойларидан аста чиқиб келадилар. Шунда уларнинг орасидан: «Мен ана ундоқ жанг қилдим, ёвнинг мана бунчасини қириб ташладим» ёхуд «Аттанг, ёв қочиб қолди-да, бўлмаса уларни ана ундай қилардим, мана бундай қилардим», деювчи безбетлар ҳам чиқиб қолади. Юқоридаги мақоллар ана шундай «ботир»ларга ва умуман, иши ўтиб бўлганидан кейин қуруқ мақтанадиган кишиларга нисбатан қўлланилади.

Еганлар дармонда, емаганлар армонда

Одатда бозорда озиқ-овқат, ширавор ва шу каби нарсаларни сотувчилар харидорларни жалб қилиш, бозорларини қизитиш мақсадида баланд овоз билан такрор ва такрор шундай дейдилар.

Ёв макрини ёлғон яширар

Мазмуни: «Ёвинг тилёғламалик билан айтган ширин гапларига учма. Унинг гаплари ёлғон бўлади. У ўз макру ҳийласини сендан яшириш учун атрофингда парвона бўлиб, гўё кўнглингни олмоқчи бўлади. Ундан ҳамма вақт эҳтиёт бўл», дейилмоқчи.

Ёв ярағин ёв билмас

Мазмуни: «Ёвнинг сир-асрорини, ҳарбий қувватини, тузиб қўйган режасини унинг ёви (рақиби) билмайди ёхуд билгани тақдирда ҳам аниқ ва тўлиқ билмайди», дейилмоқчи. Вар.: «Ёв тилини ёв билмас»; «Ёв сирини ёв билмас».

Икки мухлис қурбон бўлди

Ўтган якшанба куни Мексиканинг Монтерра шаҳрида футбол фанатлари уюштирган жанжалда мухлислардан икки нафари қурбон бўлган, 200 га яқин киши полиция томонидан қўлга олинган. Маҳаллий «Rayados» жамоасининг мамлакат миллий чемпионатида илк марта қозонган ғалабаси мухлисларни жумбушга келтирган эди. Бу жамоанинг «Morelia» футболчилари билан учрашувда дуранг ҳисоби қайд қилинганига қарамай, ашаддий ишқибозларнинг тўс-тўполони ярим тунгача давом этган. Албатта, «Rayados» бундан 17 йил аввал ана шундай муваффақиятга эришган эди. Полиция маҳкамасининг маълумотига қараганда, тўс-тўполонда бир эркак киши такси машинасининг тагида қолиб ўлган бўлса, номаълум кимсалар ўсмир йигитни бир қанча ерига тиғли жароҳат етказишган. Ҳатто, бошқа манбаалардан олинган маълумотларга қараганда, тартибсизлик туфайли ўлганлар сони 5 тага етган, деган гаплар ҳам бор.



Бекхэмга юксак орден

Таниқли футболчи, Англия терма жамоасининг сардори Дэвид Бекхэм Британия империясининг ордени билан мукофотланди. Маълумки, мукофотланганлар рўйхати анъанага кўра мамлакат қироличасининг таваллуд топган куни эълон қилинади. Бу сафар «Манчестер Юнайтед» жамоаси ярим ҳимоячисининг исм-шарифи ана шу рўйхатга тушганлиги аён бўлди. 14 ёшидаёқ ўзининг севимли жамоаси билан шартнома тузган Бекхэм 1996 йилдан бери мамлакат терма жамоасида муваффақиятли тўп суриб келмоқда. Қизиғи шундаки, Бекхэмнинг юксак мукофотга сазовор бўлгани баъзиларда гумонсирашни юзага келтирган. Гап шундаки, мукофотланганлар рўйхатига кириш унча-мунча одамга насиб этавермайди. Хусусан, 1966 йили Англия терма жамоасининг жаҳон чемпиони номини олишига муносиб ҳисса қўшган беш нафар ўйинчи мана 34 йилдирки, ана шундай мукофот насиб этишидан умидвор экан.

«Ўзнефтгазқазибчиқариш» акциядорлик компанияси раҳбарияти ва меҳнат жамоаси компания бош ҳисобчиси Исматулло Умарович Умаровга волидаи муҳтарамаси
ШАРОФАТ аянинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси жамоаси компания бош таҳририятининг муҳаррири Зебо Мирзаҳакимовага акаси
Хонали ТУРСУНБОЕВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ХДП Шайхонтоҳур туман кенгаши республика таълим методик маркази директори, туман кенгаши аъзоси Гуландом Алимовага волидаи муҳтарамаси
РОЗИЯ аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги раҳбарияти ва барча шахсий таркиби Самарқанд вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи Илҳомжон Нурмуродовга падари бузруквори
Эргаш Норбекович НУРМУРОДОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ
АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!
Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

2003 йил 17,24,31 июль кунлари соат 11.00 да республика Биржа маркази биносида ўтказиладиган аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситаси ҳам қўйилади:

ТИКО русумли, давлат рақами 10U1358, 2000 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 4 730 000 сўм.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Имкониятингизни бой берманг!

Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пули тўлаши шарт.

Закалат пули савдо ғолиби бўлмаган харидорларга қайтариб берилади.

Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Ушбу объектларга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиз республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, республика Биржалар маркази биноси, 3 қават, 44-хона, республика Кўчмас мулк биржаси

Маълумот учун телефонлар: 136-26-26, 136-28-75.
Факс: 136-06-17
www.uzrkmb.com
Лицензия рақами: 000004

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar
Ikromjon ISMOILOV
Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo`mitasida 00004-raqam bilan ro`yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 512

11352 nusxada bosildi

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 23.30
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA